O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI XIVA SHAHAR KENGASHI

Q A R O R I

220900, Xorazm viloyati, Xiva shahri, N.Kubro ko‘chasi, 27-uy, telefon (62)377-50-58, faks (62)377-50-54

2021 - yil 17 - dekabr VI-62-81-12-217-K/21 Xiva shahar hokimligi

Лолазор маҳалласи ҳудудида янгидан ташкил қилинган маҳаллаларни номлаш тўғрисида

“География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Хива шаҳар комиссиясининг 2021 йил 22 июндаги 8-61-сонли йиғилиш баёни ҳамда География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларини давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2021 йил 29 июлдаги йиғилиш баёнига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Хива шаҳар комиссиясининг маҳаллаларни номлаш тўғрисидаги таклифига мувофиқ География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларини давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2021 йил 29 июлдаги йиғилиш баёнининг қарори маъқуллансин.

2.Шаҳардаги Лолазор маҳалласида янгидан ташкил этилган

маҳаллаларга “Раҳматжон Қурбонов” ва “Ҳунармандлар” номи берилсин.

3.Шаҳар статистика бўлими (И.Адамбоев), шаҳар қурилиш бўлими (Ф.Машарипов) шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ушбу маҳаллаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин.

4.Шаҳар Ички ишлар бўлими (Б.Отажонов) янгидан ташкил қилинган маҳаллаларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларни ташкилий равишда амалга оширсин.

5.Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Бабаев)га янгидан ташкил қилинган “Раҳматжон Қурбонов” ва “Ҳунармандлар” маҳалла фуқаролар йиғинларини Давлат хизматлари марказидан давлат рўйхатидан ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

6.Ушбу қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш Хива шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати (А. Саибнозоров)га топширилсин.

7.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (Н.Каримбоева) зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Т.Давлетов**